E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

НАМАНГАН ШАҲРИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Адилов Зафар Равшанович

НамМҚИ “Архитектура” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Наманган шаҳрида жойлашган архитектура ёдгорликлари, айрим мадраса ва масжидлар бунёд этилишига оид тарихий маълумотлар кўриб чиқилган. Шунингдек, меъморчилик ёдгорликларидан фойдаланиб, самарадор туристик маршрутларни шакллантириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.
Калит сўзлар: Маданий мерос ёдгорликлари, туризм, маданий мерос объектлари, замонавий шаҳарсозлик, зиёратгоҳлар, масжидлар.

Кириш. Юртимизда сўнгги йилларда туризмни ривожлантириш борасида тарихий шаҳарларимизда салмоқли ишлар амалга оширилиб, уларнинг мавқеини тиклаш, бунда ҳудудни тарихий бўлмаган объектлардан ҳоли қилиш, объектнинг туристик маршрутлардаги ўрнини белгилаш юзасидан бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. “Биз халқимизнинг маданий меросини сақлашимиз ва келажак авлодларга етказишимиз керак. Айни пайтда унинг таркибига 7000 дан ортиқ объектлар киради. Афсуски, сўнгги пайтларда баъзи бебаҳо объектларга етказилган зарар бу масалага бепарво муносабатда эканлигимизнии кўрсатиб қўйди”.[1].

Асосий қисм. Мамлакатимизда туризм соҳаси изчил ривожланмоқда. Жумладан, 2022-йилда юртимизда ташриф буюрган хорижий туристлар сони 2021- йилга нисбатан 3 баравар ошган. Соҳа экспорти 1 миллиард 600 милион долларни ташкил этган. Ички туризм дастурлари доирасида 11 милиондан зиёд аҳоли саёхат қилган. Самарқандда янги туризм маркази барпо этилгани натижасида у ерга қўшимча 2 миллион сайёҳ келган.[2].


Айни пайтда Наманган вилоятида ҳам туризм соҳасини ривожлантириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Вилоятда умумий 270 дан ортиқ маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, шундан 103 таси архитектура ёдгорлиги, 155 таси археология ёдгорлиги, 8 таси монументал санъат асарлари, 16 таси диққатга сазовор жойлар ва зиёратгоҳлардир. Наманганда яқин келажакда туризм соҳасини такомиллаштириш борасида барча маданий мерос объектларини рўйхатдан ўтказиш, таъмирлаш ишларини олиб бориш билан биргаликда замонавий санитар-гигиеник шахобчалар барпо этиш, туристик объектларга олиб борувчи йўл кўрсаткич белгиларини ўрнатиш, барча қулайликларга эга меҳмонхоналар қуриш бўйича кенг қамровли ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

Маданий мерос бу – ўтмишдан қолган қадриятлар, ғоялар, тажриба, билимлар, уларни ўзлаштириш йўллари, яъни кишиларнинг ижодий фаолият усуллари ва уни ташкил қилиш ҳамда унинг натижаларидир. Ўзлаштириш ёки аниқроғи, маданий мерос жараёни ўта муҳим бўлиб, маданиятнинг ҳаракатдаги асосий қонунларидан бири ҳисобланади. Бу жараён инсониятнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини бир бутун ҳолда бирлаштириб, одатий тарзда тайёр ютуқларга айланади. Бор нарсани излаш, маълум нарсани очиш, қилинган кашфиётни кашф этиш керак бўлмаганидек, ўтмиш аждодлар қилган ишни такрорлаш шарт эмас. Эришилган ютуқлардан келиб чиқиб, жамият ўз мақсадларини амалга оширишнинг қисқа йўлларини танлайди. Бундан ташқари, маънавий мерос кишиларнинг савиясини оширади, улар ҳаётини ақлий ва ҳиссий жиҳатдан бойитади, билимнинг туганмас манбаи бўлиб хизмат қилади” [3].

Инсон меҳнати қандай гўзалликлар яратишга қодир эканлигини ва бу гўзалликда халқнинг кечинмалари, истироблари-ю, эзгу ниятлари умумлашганлигини тарихнинг ўзи шоҳиддир. Шу мақсадда Наманган шаҳридаги Мулла қирғиз мадрасаси, Ота Уллихон Тўра масжиди, Наманган туманидаги Сирли масжид, Косонсой туманидаги Жомеъ масжиди, Чуст шаҳридаги Мавлоно Лутфуллоҳ комплекслари ёшларни маънавий-ғоявий жиҳатдан тарбиялашда жуда катта роль ўйнайди [3,4,5] .

E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

Наманган шаҳри ва вилоятида сақланган меъморий ёдгорликлар асосан XVIII-XX асрларда бунёд этилган. Вилоятда жойлашган Мулла Қирғиз мадрасаси, Ота Валихон Тўра ва Шайх тарихи, шунингдек меъморчилик санъатидан дарак бериб турувчи кўплаб тарихий меъморчилик обидалари ва зиёратгоҳлари Исҳоқ Эшон масжидлари, Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий мажмуаси, Мулла Бозор Охунд мақбараси, Балиқлик Мозор, Булоқли Мозор ва Биби Она зиёратгоҳлари шулар жумласидандир.



Манбаларнинг кўрсатишича, Наманган вилояти кўп асрлик тарихга эга бўлиб, инсоният цивилизациясининг энг қадимий манзилларидан бири ҳисобланади. Ана шу тарихий манзилларда ўша давр муҳитини акс эттирувчи, аҳолининг маданий-маънавий ҳолатини озми-кўпми қониқтириб турувчи масжид, мадраса, ҳаммомлар ишлаб турар эди. Булардан бири меъморий маҳобати ҳамда баландлиги билан ажралиб турувчи 1916 йилда қурилган Наманган шаҳридаги Ота Валихон Тўра мадрасаси ҳисобланади. Ушбу мадраса қурилиши ўзига хос услуб асосида барпо қилинган. Бу мадраса учун ишлатилган ғиштнинг тупроғи таркибидаги тузни ювиб ташлаш учун ойлаб сув оқизиб турилган, шундан кейингина лой тайёрланиб, қайта ишланиб, ғишт тайёрланган. Бу ғиштлар ниҳоятда авайлаб, эҳтиёткорлик билан ҳумларда пиширилган, шунинг учун ҳам юқори сифатли бўлиб, ундан қурилган иморатлар мустаҳкам ва кўркам бўлган. Бинобарин, даҳадаги бу меъморчилик обидаси Ўрта Осиёда муҳташам осори-атиқалардан ҳисобланади [6, 7].

Ўлкамиз меъморчилиги ёдгорликларининг шуҳрати бутун жаҳонга ёйилган, уларга бағишлаб кўплаб китоблар, альбомлар, рисолалар чоп этилган. Бироқ, Фарғона водийсидаги, айниқса, Наманган вилоятидаги тарихий обидалар эса бирмунча эътибордан четда қолиб келди. Бунинг боиси, биринчидан, Наманган архитектура ёдгорликлари Ўрта Осиёнинг машҳур обидалар сингари унчалик серҳашам эмас, иккинчидан, Наманган шаҳридаги тарихий ёдгорликлар ҳозиргача кам ўрганилган, уларни фақат маҳаллий аҳолию, мутахассис олимларнинг тор доирасигина билади, холос. Шу сабабларга кўра улар кенг оммалашмаган.

Наманган шаҳри архитектура ёдгорликларини кенг оммалаштириш ва улардан фойдаланиб туризм инфраструктурасини такомиллаштириш мақсадида туристлар учун қулай бўлган тур маршрутлар ишлаб чиқиш режалаштирилган.

Туристлар Наманган шаҳри марказида жойлашган вокзалдан тушиб вокзал рўпарасидаги “Ойдин плаза” мехмонхонасига жойлашади ва шу ердан туристик маршрутни бошлайди.

Амир Темур кўчаси орқали (3.8 км, 8 дақиқа) Охунбобоев кўчасидаги “Мулла бозор Охунд” мажмуасига ташриф буюради. “Мулла бозор Охунд” мажмуасидан кейин Наманган-Янгиқўрқўрғон йўли орқали (3.6 км, 11 дақиқа) Ғунча кўчаси, Лаббай тоға қабристонида жойлашган Мавлавий Намонгоний мақбарасини зиёрат қилади ва шу жойни

ўзидан 300 метр узоқликда жойлашган Мазжуб Намонгоний мақбарасини кўради. Сўнгра курашхона дахаси Ғунча МФЙ эски шаҳар ҳудуди орқали (6 км, 15 дақиқа) Отавалихон(хозирги гумбаз масжиди) масжидига келади. Уйчи кўчаси орқали (1.6 км, 5 дақиқа) Шайх Эшон жоъме масжидига келади. Номсиз кўчалар орқали айланиб (1.2 км, 4 дақиқа) Хўжа Амин мақбараси, Хўжа Амин жоъме масжиди мажмуаси ва Латифнинг хаммомини кўради. Шундан сўнг кўзагарлик кўчасидан (600 м, 2 дақиқа) Мулла Қирғиз мадрасасига боради ва бу ердан Чорсу дехқон бозорига киради. Чорсу бозоридан сўнг 300м юриб Бобур истироҳат боғига киради. Бобур истирохат боғидан Навоий кўчаси орқали мехмонхонага қайтади.

Хулоса/ тавсиялар. Яқин келажакда Наманган вилоятида ҳам замонавий санитар-гигиеник шоҳобчалар барпо этиш, туристик объектларга олиб борувчи йўл кўрсаткич белгиларини ўрнатиш, кўплаб замонавий ва барча қулайликларга эга меҳмонхоналар қуриш бўйича кенг қамровли ишларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Наманган вилоятидаги мавжуд тарихий обидаларни бугунги кундаги ҳолатини ўрганиш, уларнинг шаҳарда жойлашган ўринларини таҳлил қилиш, бино ва иншоотларни қайтадан техник инвентаризациядан ўтказиш, тарихий маълумотлар асосида уларни мазмун-моҳиятини бойитиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Парламентга йўллаган мурожаати. 2020 йил.

2. https://president.uz

3. Рўзинов Б., Ражабова С., Исмоилов Ю., Косимов А. Наманган вилояти маданий мероси. –Наманган: 2013

4. Азимов И. Фарғона водийсининг архитектура ёдгорликлари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1986 й.

5. Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами. Тошкент, Қомуслар бош таҳририяти,1996 й.

6. Исмоилов Ю. Наманган фахри. Наманган нашриёти,1994 й.

7. Мирзаалиев Э.Ю, Бозорова М.Т. Наманган шаҳар тарихига бир назар. Наманган, 1997 й.

8. Юсупов И., Мирзаалиев Э “Наманган шаҳри тарихидан лавхалар”, Наманган, 2010,

9. Ravshanovich, A. Z. (2021). Issues Of Improving Tourism Opportunities In Namangan Region. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 26(2), 40-44.

10. Adilov, Z. (2021, June). ISSUES OF IMPROVING TOURIST OPPORTUNITIES IN NAMANGAN REGION. In Конференции.

11. Адилов, З. Р., & Болгабоев, Д. (2021). РЕСТАВРАЦИЯ И СОХРАНЕНИЕ СУЩЕСТВУЮЩИХ ИСТОРИЧЕСКО-АРХИТЕКТУРНЫХ ПАМЯТНИКОВ НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ-ОСНОВА РАЗВИТИЯ МЕЖДУНАРОДНОГО ТУРИЗМА. Вестник Науки и Творчества, (11 (71)), 38-44.

12. Ravshanovich, A. Z. (2021). Namangan Historical Architectural Monuments. Design Engineering, 6940-6945.

13. Адилов, З. Р., & Рахмонбердиев, С. (2021). НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ТУРИЗМ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. Вестник Науки и Творчества, (11 (71)), 34-37.

14. Адилов, З. Р. (2021). ЗАЩИТА КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ СОКРОВИЩА НАШЕГО НАРОДА-ОСНОВА НАШИХ НАЦИОНАЛЬНЫХ ЦЕННОСТЕЙ. In НАУКА И ПРОСВЕЩЕНИЕ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ, ДОСТИЖЕНИЯ И ИННОВАЦИИ (pp. 249-252).

15. Адилов, З. Р. (2022). ЁШЛАРГА МАДАНИЙ МЕРОС ҲАЗИНАСИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ. ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРДА ИННОВАЦИЯ ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ, 2(4), 124-130.

16. Adilov, Z. R. (2022). Peculiarities of Construction Drawings. EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION, 2(4), 227-230.

17. Адилов, З. Р. (2022). НАМАНГАН ВИЛОЯТИ МАДАНИЙ МЕРОС ҲАЗИНАСИНИ АСРАШ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ АСОСИДИР. TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI, 69-73.

18. Адилов, З. Р. (2022). URBAN PLANNING OF THE CITIES OF NAMANGAN REGION. Science and Innovation, 1(6), 259-264.

19. Adilov, Z. (2021, August). ISSUES OF IMPROVING TOURIST OPPORTUNITIES IN NAMANGAN REGION: https://doi. org/10.47100/conferences. v1i1. 1224. In RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES (No. 18.05).

20. Қосимов, И. М., Дедеханов, Б., Адилов, З. Р., & Раҳимова, Г. Э. (2022). ЎЗБЕКИСТОНДА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАРКАЗЛАРНИНГ ИННОВАТЦИОН АРХИТЕКТУРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. Journal of new century innovations, 19(2), 169-175.

21. Адилов, З. Р., Қосимов, И. М., Дедеханов, Б., & Раҳимова, Г. Э. (2022). НАМАНГАН ВИЛОЯТИДАГИ ХЎЖА АМИН МАҚБАРАСИ. Journal of new century innovations, 19(2), 152-160.

22. Дедеханов, Б., Қосимов, И. М., Адилов, З. Р., & Раҳимова, Г. Э. (2022). ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚАДИМГИ АРХИТЕКТУРАСИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖИДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ РОЛИ. Journal of new century innovations, 19(2), 176-185.

23. Rahimova, G., Dedaxanov, B., Adilov, Z., & Qosimov, I. (2022). USE OF INNOVATIVE METHODS IN DEVELOPING PROFESSIONAL SKILLS OF STUDENTS. Journal of new century innovations, 19(2), 161-168.

24. Adilov, Z. (2022). НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИНИНГ ШАҲАРСОЗЛИГИ. Science and innovation, 1(C6), 259-264.

25. Адилов, З. Р. (2023). НАМАНГАН ВИЛОЯТИ МАДРАСА БИНОЛАРИ МЕЪМОРЛИГИ. Journal of new century innovations, 21(1), 159-165.

26. Адилов, З. Р. (2023). НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ДИНИЙ БИНОЛАР МЕЪМОРЛИГИ. Journal of new century innovations, 21(1), 151-158.

27. Yusupova, M. (1997). L'évolution architecturale des couvents soufis à l'époque timouride et post-timouride. Cahiers d'Asie centrale, (3/4), 229-250.

28. Юсупова, М. А. (2000). Традиции архитектурного сада "чарбаг" в зодчестве Бухары XVI–XVIII вв. In Средняя Азия. Археология. История. Культура. Материалы международной конференции. М (pp. 247-251).

29. Юсупова, М. А. (2000). Бухарская школа зодчества XV-XVII вв.(особенности и динамика развития).

30. Yusupova, M. (1999). Evolution of architecture of the Sufi complexes in Bukhara. Bukhara: The Myth and the Architecture, Harvard University and the Massachusetts Institute of Technology, 122.

31. Yusupova, M. A. (2004). Dva etuda po istorii arhitekturı Uzbekistana, svyazannıh s evreyskoy diasporı. Evreyi Sredney Azii,(Taşkent: İzdatel'stvo Fan Akademii Nauk, 2004).

32. Yusupova, M. (2012). Islamic architecture of Uzbekistan: Development and features. Journal of Islamic Thought and Civilization, 2(2), 51-63.

33. Раупова, А., & Юсупова, М. А. (2022). К Изучению Особенностей Архитектуры Караван-Сарая Коба Города Шахрисабза. Central Asian Journal of Theoretical and Applied Science, 3(7), 178-185.

34. Юсупова, М. А. (2019). Особенности колониального градостроительства в" европейских городах" Ферганской долины (конец XIX в.-начало XX в.). ВЕСТНИК ЕВРАЗИЙСКОГО НАЦИОНАЛЬНОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ ЛН ГУМИЛЕВА СЕРИЯ: ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ И ТЕХНОЛОГИИ, (2).

35. Юсупова, М. А. (2013). К ВОПРОСУ РЕСТАВРАЦИИ ПАМЯТНИКОВ АРХИТЕКТУРЫ УЗБЕКИСТАНА В 1990-2010 ГГ. Вестник Кыргызского государственного университета строительства, транспорта и архитектуры им. Н. Исанова, (4), 170-174.

36. Yusupova, M. Cahiers d'Asie centrale.

37. Yusupoa, M. Complexes in Bukhara.

38. Аташев, С. Б. (2022). ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИМИЗ МУҲОФАЗАСИ. TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI, 2(4), 105-108.

39. Ibadullaev, I. R., & Atoshov, S. B. (2019). The Effects of Colors on The Human Mind in The Interior Design. Indonesian Journal of Innovation Studies, 7.

40. Atashev, S. (2023). ИЧАН ҚАЛЪА МАДАНИЙ МЕЪРОС ОБЪЕКТЛАРИ АРХИТЕКТУРАСИ (Калъа девори мисолида). JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS.

41. Atashev, S. (2023). ИЧАН ҚАЛЪА ЖУМА МАСЖИДИ. JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS.

42. Sanjar, Atashev. (2023). ТОШХОВЛИ САРОЙИ АРХИТЕКТУРАВИЙ ТУЗИЛИШИ. JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS.

43. Мустафоев, Ш. Ш. (2022). ⅤⅢ-ⅩⅢ АСРЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН МЕЬМОРИЙ БЕЗАКЛАРИДА ГИРИҲ ВА МУҚАРНАСЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ. Oriental Art and Culture, 3(3), 268-278.

44. Mustafoev, S. (2021). Traditional Modularity System in Uzbek and Persian Mimars: Construction of Muqarnas. Texas Journal of Multidisciplinary Studies, 3, 108-116.

45. Sh, M. S. (2021). CONSTRUCTION OF THE "GIRIH"-GEOMETRIC PATTERN. BASED ON "BUKHARA SCROLLS". Вестник науки, 1(10 (43)), 4-13.

46. Sh, M. (2019). GEOMETRIC ANALYSIS OF GEOMETRIC PATTERNS (GIRIH) ON "DAFTAR". Problems of Architecture and Construction, 2(3), 22-27.

47. Мустафоев, Ш. Ш. (2023). ТЭОРИЯ ПОСТРОЕНИЯ И СОСТАВЛЕНИЯ ГИРИХОВ–«ГИРИХСАЗИЙ». Journal of new century innovations, 21(3), 41-55.

48. Mustafoev, S. (2021). Decoding geometric properties of muqarnas based on architectural scroll. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(12), 618-628.

49. Mustafoev, S. HISTORICAL DEVELOPMENT AND CONSTITUENT ELEMENTS OF MUQARNAS IN THE ISLAMIC WORLD.

50. Ozodovich, H. A., Maribovich, Q. I., & Zarina, B. (2023). KASBGA YO'NALTIRISH MARKAZINI INNOVATSION LOYIHASI TAKLIFI "KIDZANIA JOB WORLD IN TASHKENT". PEDAGOG, 1(5), 120-129.

51. Maribovich, Q. I. (2022). Scientific Proposals for Architectural Improvement of Engineering Centers. Nexus: Journal of Advances Studies of Engineering Science, 1(6), 59-63.

52. Хасанов, А. О., & Қосимов, И. М. (2023). ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАРКАЗЛАРИНИ АРХИТЕКТУРА ТАКЛИФИ. Journal of new century innovations, 21(1), 144-150.

53. Хасанов, А. О., & Қосимов, И. М. (2023). ЖАМИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КАСБГА ЙЎНАЛТИШ МАРКАЗЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ. Journal of new century innovations, 21(1), 136-143.

54. Kosimov, I. (2014, March). Соҳил бўйларида шаҳар ва шаҳарчалар барпо этиш. In Иқтидорли ёш кадрлар келажак пойдевори, уларни тарбиялаш, тайёрлаш тажрибалари ва истиқболлари. Конференция материаллари тўплами, 265-сонли икк, 5-6 июнъ, 2014й, 150-151 б. НамМПИ. Namangan muhandislik qurilish instituti.

55. Ozodovich, H. A., & Maribovich, Q. I. (2022). Improving the Design of Youth Innovative-Creative and Development Scientific Centers. Eurasian Scientific Herald, 7, 72-76.

56. Dedakhanov, B., & Kasimov, I. (2022). ANCIENT ARCHITECTURE OF THE FERGHANA VALLEY FEATURES OF FORMATION AND DEVELOPMENT (ON THE EXAMPLE OF CIVIL ARCHITECTURE AND URBAN PLANNING). Science and innovation, 1(C6), 278-284.

57. Хасанов, А. Н., Аббасова, Р. К., & Маърибович, Қ. И. (2022). КАСБ ҲУНАР МАЖМУАЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ ТАРИХИ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА). Journal of new century innovations, 19(1), 198-204.

58. Maribovich, Q. I. (2023). Architectural Improvement of Professional Centers. Nexus: Journal of Advances Studies of Engineering Science, 2(3), 85-91.

59. Kosimov, I. (2020). Zamonaviy qurilish materiallari. Scienceweb academic papers collection.

60. Kosimov, I. (2021). Шахар қурилиши ва хўжалигида сув муоммоларини олдини олиш учун сув омборларида лойқаланиш жараёнларини камайтириш чора-тадбирлари. Литва№ 17., 14.07. 2021 й Тошкент-“Lesson press” нашриёти. 2021й.

WORDLY
KNOWLEDGE